



Хосиятхон Абдурахмонова

*Профессор в.б., доцент, ю.ф.д., Умумхукукий фанлар кафедраси, Ўзбекистон
Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Божхона институти божхона
хизмати капитани*

<https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-6-3/iss1-pp132-136>

ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

Аннотация: Ушбу мақолада инвестиция низоларини ҳал қилиш ва уни ҳукукий тартибга солиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган. Тошкент халқаро арбитраж маркази фаолиятига оид масалаларга тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Халқаро тижорат арбитраж, инвестиция, Тошкент халқаро арбитраж марказ, UNCITRAL, ad hoc.

РАЗРЕШЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫХ СПОРОВ

Аннотация: В данной статье рассмотрены вопросы связанные с разрешением инвестиционных споров и его правовое регулирование. Затронуты вопросы деятельности Ташкентского Международного Арбитражного Центра.

Ключевые слова: международный коммерческий арбитраж, инвестиция, Ташкентский Международный Арбитражный Центр, UNCITRAL, ad hoc.

Ўзбекистон Республикасида жаҳоннинг илғор давлатлари билан таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ҳамда савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларни ривожлантириш мақсадида трансчегаравий иқтисодий алоқалар ривожланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳамкорлик муносабатлар доирасида чет эл валютасини ва хорижий инвесторларни мамлакатимиз ҳудудига жалб этиш ҳамда ҳамкорликда таълим муассасалари, шифохоналар, шунингдек, қўшма корхоналар очиш орқали ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатишда муҳим омил бўлди. Натижада 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 13289 тани, шундан қўшма корхоналар 5988 та ва хорижий корхоналар 7301 тани ташкил этмоқда. [1] Маълумки, инвестиция муносабатларини тараққий эттириш жараёнида иқтисодий низоларнинг келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли халқаро арбитражда низоларни ҳал қилишнинг афзалликларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро арбитраж томонларга холис суд таркибида низоларни бартараф этиш имкониятини беради. Сармоядорлар томонидан



киритилаётган инвестициялар ҳам халқаро ҳуқуқ ҳамда инвестицияларни қабул қилиб олувчи давлатнинг қонунлари бўйича идора этилишини ҳисобга олган ҳолда келиб чиққан низоларни инвестицияни қабул қилиб олган давлат ҳудудидаги миллий ёхуд ҳакамлик судлари томонидан ҳал этишга уриниб кўришлик, агарда низо ҳал этилмаса, уни халқаро арбитражга олиб чиқиш мумкинлигини инобатга олиш зарур. Низонинг ечимини топишда, аввало, инвестицияни қабул қилиб олган давлатнинг миллий қонунчилиги билан ҳал этиб кўришга уриниш халқаро ҳуқуқнинг бир тушунчаси ҳисобланади. Ҳозирда дунёнинг жуда кўп давлатлари мазкур усулдан фойдаланиб келмоқда. Бугунги кунда машҳур арбитраж судлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: Халқаро савдо палатасининг арбитраж суди (ICC) (Париж); Стокгольм шаҳри Савдо палатаси Арбитраж институти (ТПС), Лондон халқаро ҳакамлик суди (ЛМТС), Швейцария Савдо саноат палатаси қошидаги арбитраж (ТПП ШВЕЙЦАРИИ), Австрия иқтисодий Федерал палатаси халқаро арбитраж суди (ВМАС), Низоларни ҳал этиш халқаро маркази (МЦРС) (Америка арбитраж ассоциацияси қошида), Хитой халқаро иқтисодий ва савдо арбитражи комиссияси (КМЭТАК), Инвестиция низоларини ҳал этиш халқаро маркази (МЦУИС) (Вашингтон), Россия Федерацияси Савдо саноат палатаси қошидаги Халқаро тижорат арбитражи (МКАС ПРИ ТПП РФ).

Халқаро тижорат арбитражи бу савдо-иқтисодий низони низолашгаётган томонлар танлаган ва келишиб ваколат берган бир ёки бир неча арбитрлар томонидан кўриб ҳал этишга қаратилган, нодавлат суд органи бўлиб, унинг қарорлари мажбурий тарзда бажарилиши назарда тутилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 июндаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5087-сон Фармонида белгиланган вазифаларда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан таркибида хорижий инвесторлар, шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофаза қилишини таъминлаш бўйича халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасида ҳам халқаро тижорат арбитражи ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси қошида олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 ноябрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4001- сонли қарорлари ва 2021 йил 16 февралда “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги ЎРҚ-674-сонли қонуни ва бошқа тармоқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда қабул

қилган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди. Инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Олий суд томонидан, қолган барча инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 ноябрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (TIAC) ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4001-сонли Қарорига мувофиқ Тошкент халқаро арбитраж марказини (TIAC) нинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

а) турли давлатларда жойлашган тижорат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ўртасида юзага келадиган шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, хусусан, инвестициялар, интеллектуал мулк ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этишни ташкил этиш;

б) низоларни халқаро арбитраж ва низоларни ҳал этишнинг бошқа муқобил усуллари орқали ҳал этиш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

в) етакчи хорижий арбитражлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро арбитраж орқали низоларни ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, Марказда низоларни ҳал этишга хорижий арбитражларни жалб қилиш;

г) халқаро арбитраж, шу жумладан, инвестициялар билан боғлиқ низоларни суддан ташқари ҳал этиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

д) маҳаллий ва хорижий хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, хорижий инвесторларга инвестиция билан боғлиқ, шу жумладан, томонлардан бири давлат бўлган низоларнинг вужудга келишининг олдини олиш соҳасида консультация хизматларини кўрсатиш белгиланган [2].

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунига кўра, инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар эканлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган



бошқа турдаги фаолият объектларига қўшиладиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги кўпчилик халқаро давлатлараро шартномаларда низо келиб чиққан тақдирда ушбу муаммо кўриб чиқиш учун қуйидаги органларга берилиши мумкинлиги назарда тутилган:

- давлат судига;
- UNCITRAL регламенти нормаларига мувофиқ тузиладиган ad hoc ҳакамлик судларига;

- Халқаро тижорат арбитражи бир марталик (ad hoc) арбитраж судлари ҳамда Институционал арбитражлар турларидан иборат. Ad hoc арбитражида низолашаётган тарафлар хоҳиши ва келишуви асосида аниқ бир низони кўриб ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳамда низо ҳал этилгач, барҳам топадиган бир марталик (ad hoc) арбитраж судлари ҳисобланади.

Институционал арбитражлар миллий савдо палаталари, биржалар, тадбиркорларнинг уюшмалари ҳузурида ташкил этилади. (Масалан, Лондон халқаро арбитраж суди).

Шунингдек, инвесторлар инвестиция билан боғлиқ низоларни Ўзбекистон Республикаси билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисида тузиладиган шартномалар, концессион ёки инвестиция шартномалари доирасида ҳал этиш тартибини кўзда тутиш имконига ҳам эга. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён 1958 йил 10 июнда қабул қилинган. Чет эл ҳакамлар суди қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси аъзосидир. Шу билан бирга “Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Вашингтон конвенцияси билан тузилган Инвестиция низоларини ҳал этиш бўйича халқаро марказ (ICSID) ҳисобланади. 1966 йил 14 октябрдан бошлаб кучга кирган. Бунда шартлашувчи иккала давлат ушбу конвенциянинг иштирокчиси бўлиши шартлилиги белгиланган. Конвенцияда ўрнатилган тартибга биноан,

Инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (ICSID) фаолият олиб боради.

Конвенциянинг 25-моддасида ушбу марказ Конвенция иштирокчиси бўлган давлат (ёки унинг органи) билан худди шундай иштирокчи бўлган бошқа давлатнинг хусусий инвестори ўртасида амалга ошириладиган инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан бевосита келиб чиқувчи ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун махсус тузилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, низони Марказда кўриб чиқишга бериш учун низо иштирокчиларининг ёзма розилиги зарур, деб белгиланган. Агар томонлар ўз низосини Марказда кўриб чиқиш учун ҳакамлик суди усулида берган бўлсалар, бу томонларнинг низоларни ҳал этишнинг ҳар қандай бошқа



воситаларини (агар бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса) қўллашдан воз кечганлигини билдиради (Конвенция иштирокчиси бўлган давлат дастлаб хусусий инвестор низони Марказда кўриб чиқиш учун беришга розилик билдириш шарти сифатида низони ҳал этишнинг миллий маъмурий ёки суд воситаларидан фойдаланишини талаб қилиши мумкин). Бунда иштирокчи давлатларнинг ҳеч бири дипломатик ҳимоя воситаларидан фойдаланишга ёки халқаро-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган даъволар билан мурожаат этишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ҳам инвестиция низоларига оид халқаро масалалар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказида (TIAC) ҳал этилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Давлат статистика қўмитаси расмий хабари.
https://t.me/statistika_rasmiy/1903 мурожаат қилинган сана 06.04.2022 й.
Маълумот ўзбек тилида нашр этилган.
2. <https://lex.uz/ru/docs/4039515>